

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

Муқаддима

1-§. Умумий қоидалар

2-§. Коррупцияга қарши курашишнинг мақсади ва асосий принциплари

3-§. Коррупцион ҳаракатлар ва улар ҳақида хабар бериш механизми

4-§. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш

5-§. Коррупциянинг олдини олиш чоралари

6-§. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик

7-§. Коррупцион ҳаракатлар тўғрисида ахборот берган ходимни (шахсни) ошкор қилмаслик

8-§. Комплаенс-назорат департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият йўналишлари, ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган фаолияти юзасидан ҳисобот топшириш тартиби

9-§. Яқуний қоидалар.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш тизими: қўлланиши бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти асосида ишлаб чиқилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида (кейинги ўринларда – Банк) коррупцияга қарши курашишнинг мақсади ва принциплари, коррупцион ҳаракатлар ва улар ҳақида хабар бериш механизми, коррупциянинг олдини олиш чоралари ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаб беради.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжатда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Бош банк – Банк бошқаруви аппарати;

филиал – Банкнинг Амалиёт бошқармаси ва филиаллари;

коррупция – ходимнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатини ёхуд ўзга шахслар манфаатини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий омил – Банк ички норматив ҳужжатларининг (улар лойиҳаларининг) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган нормалари;

манфаатлар тўқнашуви – Банк ва қуйидаги шахслар: Банк мижозлари, Банк акциядорлари, Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари, Банк бошқаруви аъзолари, Банк ходимлари, Банкка алоқадор шахслар, омонатчилар, кредиторлар, Банкдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар, охири бенефициар мулкдорлар ўртасида ўзаро муносабатлар ва алоқалар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлари бузилиши ҳолати.

2. Банк коррупцияга қарши курашиш сиёсатини коррупциянинг олдини олиш, Бош банк таркибий тузилмалари ва филиаллар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини баҳолаб бориш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш учун юритади.

Банкда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши тақиқланади ва коррупцион фаолиятга нисбатан мурасасиз муносабат ўрнатилади.

3. Мазкур Сиёсат жисмоний ва юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга банк хизматлари кўрсатиш бўйича асосий фаолиятни амалга оширишда, шунингдек учинчи шахслар, шу жумладан давлат органлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан муносабатларда коррупцияга қарши курашиш принципларини белгилайди ҳамда Банкнинг барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

Банк бошқаруви ва ходимлар порахўрликка қарши курашиш тизими талабларига риоя этиши ҳамда бу тизимни мунтазам такомиллаштириши лозим.

2-§. Коррупцияга қарши курашишнинг мақсади, принциплари ва асосий йўналишлари

4. Банк ва ходимларнинг коррупцион ҳаракатларга аралашуви хатарини кескин камайтириш ва йўқ қилиш коррупцияга қарши курашишнинг мақсади ҳисобланади.

5. Қуйидагилар коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

а) қонунийлик – коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда ушбу Сиёсатга мувофиқ амалга оширилиши;

б) Банк мижозлари, Банк акциядорлари, омонатчилар, кредиторлар, Банкдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар, охири бенефициар мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

в) очиқлик ва шаффофлик – коррупцияга қарши курашиш жараёнида жамоатчилик иштироки таъминланиши;

г) тизимлилик – коррупцияга қарши курашишда коррупцион ҳаракатларни аниқлаш ва улар ҳақида хабар бериш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик, коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш жараёнларининг тўлиқлиги ва узлуксизлиги таъминланиши;

д) Банк ва коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги;

е) коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

ё) содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5-1. Қуйидагилар коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) Банк фаолиятининг коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

б) коррупциявий омилларни ҳамда ходимлар ва Банк раҳбарларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка жалб қилинишини минималлаштириш;

в) коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари ва коррупциявий омилларга нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисида Банк ходимлари билимини ва бизнес ҳамкорларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

г) коррупцион ҳолатларни аниқлаш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш механизмини, шунингдек коррупцияга қарши курашишнинг менежмент тизимини такомиллаштириш.

3-§. Коррупцион ҳаракатлар ва улар ҳақида хабар бериш механизми

6. Қуйидагилар коррупцион ҳаракатлар ҳисобланади:

а) пора бериш ёки олиш;

б) пора берилишида ёки олинишида воситачилик қилиш;

в) хизмат мавқеи ёки ваколатларини суиистеъмол қилиш;

г) тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;

д) раҳбар ходим томонидан ўзининг ёки бошқа шахснинг моддий (номоддий) манфаат кўришини кўзлаб ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш.

7. Коррупцион ҳаракатлар ҳақида хабар бериш ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банки тизимида ноўрин хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва улар ҳақида хабар бериш тартиби тўғрисида низом” (Банк кузатув кенгашининг 2021 йил 22 октябрдаги 134-сон қарори

тасдиқланган ва 2021 йил 29 октябрда 597-сон билан рўйхатга олинган) асосида амалга оширилади.

8. Коррупцион ҳаракатлар ҳақида хабар бериш механизми фаолиятини таъминлаш бўйича жавобгарлик Бош банкнинг Комплаенс-назорат департаментига юклатган.

4-§. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш

9. Банк коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи қуйидаги давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- в) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- е) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноят-ларга қарши курашиш департаменти;
- ё) Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

10. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотларига хабар бериш мажбурияти Бош банкнинг Комплаенс-назорат департаменти зиммасига юклатилган.

5-§. Коррупциянинг олдини олиш чоралари

11. Банк коррупциянинг олдини олиш учун қуйидаги чораларни амалга оширади:

а) раҳбар ходимлар ва бошқа ходимларнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

б) раҳбар ходимлар ва бошқа ходимлар томонидан ўз хизмат мажбуриятларининг бажарилиши сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш;

в) ходимлар томонидан ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг корпоратив одоб-ахлоқ кодекси” (Банк кузатув кенгашининг 2020 йил 28 октябрдаги 120-сон қарори билан тасдиқланган ва 2020 йил 3 ноябрда 573-сон билан рўйхатга олинган) нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

г) Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк бошқаруви аъзолари ҳамда Банк бошқа ходимларининг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда ““Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсати” (Банк кузатув кенгашининг

2020 йил 17 декабрдаги 143-сон қарори билан тасдиқланган ва 2020 йил 24 декабрда 152В-сон билан рўйхатга олинган) нормаларига риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

д) ходимларни шахсий ва касбий сифатлари, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

е) раҳбар ходимлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

ё) Банк фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан, Бош банкнинг Комплаенс-назорат департаменти томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда, мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

ж) ички норматив ҳужжатларнинг (улар лойиҳаларининг), уларда коррупциявий омиллар мавжудлиги нуқтаи назаридан, коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш;

з) раҳбар ходимлар ва бошқа ходимларнинг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Банк коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Раҳбар ходимлар ва бошқа ходимлар қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароит яратадиган ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тийиши лозим.

6-§. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик

13. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этган ходим (шахс) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ходим (шахс) суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

7-§. Коррупцион ҳаракатлар тўғрисида ахборот берган ходимни (шахсни) ошкор қилмаслик

14. Банк коррупцион ҳаракатлар тўғрисида ахборот берган ходимни (шахсни) ошкор

қилмаслик мажбуриятини олади.

Коррупцион ҳаракатлар тўғрисида ахборот берган ходимни (шахсни) таъқиб этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу банднинг қоидалари коррупцион ҳаракатлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган ходимга (шахсга) нисбатан татбиқ этилмайди, у Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

8-§. Комплаенс-назорат департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият йўналишлари, ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган фаолияти юзасидан ҳисобот топшириш тартиби

15. Банкда коррупцияга қарши курашиш мақсадида ташкил этилган Комплаенс-назорат департаментининг фаолият йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Банкда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатар юқори бўлган банк хизматлари ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

б) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги Банк сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

в) банк ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали Банкда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

г) Банк ички норматив ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини Бош банкнинг Юридик хизмат департаменти билан биргаликда ўтказиш;

д) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

е) банк хизматларига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этиш чораларини кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ё) Банкнинг ўз маблағи ва жалб этилган ресурслари, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш, Банк активларини реализация қилиш ва Банк харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ж) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Банкнинг имиджини мустаҳкамлаш ва унинг маҳаллий ва халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

з) коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан таҳлилий ишларни ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

и) Банкда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

16. Комплаенс-назорат департаменти Бош банк таркибий тузилмалари ва филиаллар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини даврий равишда (ҳар чорак якуни бўйича) мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

а) коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган банк ходимларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари) рўйхатини шакллантиради;

б) Банкда коррупцияга қарши курашиш дастури ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупция хавф-хатарларини минимум даражага тушириш чораларини кўради.

17. Комплаенс-назорат департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги ҳуқуқлар эга:

а) Банкнинг ўз маблағи ва жалб этилган ресурсларининг сарфланиши, Банк активларининг реализация қилиниши, Банк харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

б) жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масаласи бўйича муурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

в) Банк раҳбарияти, Банк бошқаруви, Бош банк (филиал) кредит комиссияси, Банк ликвидлигини бошқариш қўмитаси, Бош банк таркибий тузилмалари ва филиаллар фаолиятида коррупция ҳолатини ўрганиш;

г) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

д) ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижаси бўйича тўпланган материалларни фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган ходимларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан жиноят ишини кўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига ўрнатилган тартибда тақдим этиш;

е) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ички суриштирувлар ўтказиш;

ё) Банк бошқаруви, Бош банк (филиал) кредит комиссияси, Банк ликвидлигини бошқариш қўмитаси қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни Банкнинг кузатув кенгашига киритиш;

ж) Банкнинг кузатув кенгаши раисига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

18. Комплаенс-назорат департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган фаолияти юзасидан:

а) молиявий йил яқунлангандан сўнг ҳар йили 1 мартга қадар Банкда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган фаолият тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк бошқарувига киритади;

б) Банк манфаатига ва имиджига зарар етказувчи коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни комплекс таҳлил қилади ҳамда натижаси бўйича Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк бошқарувига ахборот беради;

в) Банкда содир бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар оқибатида жамият, давлат ва банк манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга оширади;

г) Банк ички норматив ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

д) Банк харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими: ISO 37001:2016 халқаро стандарти”ни қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

е) филиалларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

ё) коррупция ҳолатига доир материалларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига тақдим этади.

9-§. Яқуний қоидалар

19. Банк ходимлари ушбу Сиёсат талабларига риоя этилиши учун масъулдир.

Мазкур Сиёсат талабларини бузган ходимлар (шахслар) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортилади.

20. Мазкур Сиёсат ижросини назорат қилиш Бош банкнинг Комплаенс-назорат департаментига юклатилади.

Бошқарув раиси

С.Нормухамедов